БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 299 (19.375). ● 1985 йил 29 декабрь, якшанба ● Баҳоси 3 тийин.

Эртага, 30 декабрда СССР ташкил топганига 63 йил тўлади

«МЕТЕОР—2» УЧИРИЛДИ

1985 йил 26 декабрь куни Совет Иттифоқида навбатдаги метеорологик йўлдош «Метеор-2» учирилди.

Йўлдош ичига эслаб қолиш режимида, шунингдек бевосита юбориш режимида спектрнинг кўзга кўринадиган ва инфрақизил диапазонларида булутли ва остидаги сиртнинг яппи тасвирларини олишда ишлатиладиган аппаратлар комплекси, шунингдек Ер атрофи космик фазосида паррон ўтувчи нурланиш оқимларини узлуксиз кузатиб турадиган радиометрик аппаратлар ўрнатилган.

Йўлдошда илмий аппаратлардан ташқари: йўлдош ерга мўлжал олишини таъминлайдиган система, қуёш батареяларини қуёшга мустақил ҳолда мўлжал олдирадиган электр таъминоти системаси, йўлдош хизмат системаларининг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик система, орбита параметрларини аниқ ўлчайдиган радиосистема, илмий ахборотни ерга юбориб турадиган радиокомплекс бор.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Команда-ўлчов комплекси йўлдошни бошқармоқда. Йўлдошдан олинаётган маълумотлар ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш учун давлат табиий ресурсларини ўрганиш илмий-тадқиқот марказн билан Госкомгидрометнинг СССР гидрометеорология марказига келиб турибди.

(ТАСС).

БУЮК ИТТИФОҚ

Мамлакатимиз ўн иккинчи беш йилликка қадам қўймоқда. Ленинча дўстлик ва қардошлик қонуни асосида яшаб, меҳнат қилаётган совет халқлари коммунистик қурилиш йўлида ғайрат ва жасорат кўрсатмоқдалар. Совет Иттифоқи тарихан қисқа муддат ичида улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди. У жаҳонда энг қудратли иқтисодий, илмий-техника потенциалига эга мамлакат бўлиб қолди. У тинчлик иши учун курашнинг мустаҳкам таянчи, кенг меҳнаткашлар оммаси манфаатининг ишончли ҳимоячисидир.

1922 йилнинг 30 декабри—кўпмиллатли мамлакатимиз тарихида ёрқин ва унутилмас кун. Шу куни жонажон Ватанимиз пойтахти — Москвада Советларнинг I Бутуниттифоқ съезди якдиллик билан Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил қилинганлигини эълон қилди. Бу ҳақда қабул қилинган Шартнома ва Декларация кенг меҳнаткашлар оммасининг ҳамжиҳатлик, жипслик, қардошларча бирдамликка бўлган интилиши ифодаси бўлди. Бепоён Ватанимизнинг барча миллат ва элатлари биргаликда янги жамият қуриш, уни революция душманларидан ҳамкорликда ҳимоя қилишга азму қарор берган эдилар.

Бу ғоянинг ижодкори ва раҳнамоси халқлар дохийси В. И. Ленин эди. У дунёда биринчи ишчи ва деҳқонлар давлатининг бунёдкори, миллатларни бир-бирига яқинлаштириш, халқларни ягона қардошлик иттифоқига бирлаштириш назариясини ишлаб чиқди. Владимир Ильич социализм учун курашда миллий масаланинг ўрни ва аҳамиятини аниқ белгилаган ҳолда барча миллат ишчи ва меҳнаткашлар оммасининг эркин, биродарлашган иттифоқини тузиш совет халқларини бир-бирига яқинлаштиришнинг муҳим шарти эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Таркиб топган ана шу Буюк Иттифоқ халқларининг ленинча бузилмас дўстлиги, ягона оила тўйғуси қарор топишига ёрдам берди, социал тараққиётимиз сўръатларининг жадаллашувига кўмаклашди.

Йиллар оша эркин халқларнинг бузилмас иттифоқи замон синовидан муваффақият билан ўтди. У доно Коммунистик партия раҳбарлигида мустаҳкамланди, ҳаётбахш эканлигини такрор-такрор исботлади. Гражданлар урушининг машаққатли йиллари, халқ хўжалигини тиклаш, фашизмга қарши олиб борилган ҳаёт-мамот жанглари, Улуғ Ватан урушидан кейинги тинч тараққиёт даври... Буюк Иттифоқнинг қудратли кучи ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида намоён бўлмоқда.

ССР Иттифоқи ташкил этилган кун мамлакатимиз халқларининг катта байрамидир. Ҳозир социалистик Ватанимиз эришган улкан муваффақиятларга назар ташлаш ниҳоятда мароқли. Улуғ Октябрь ишини шараф билан давом эттираётган совет кишилари социализмнинг катта имкониятларини намоён этмоқдалар, унинг капитализмдан устунлигини амалда кўрсатмоқдалар. Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Социализм бутун мамлакатимизда бўлгани сингари серқуёш ўлкамиз қиёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Ўзбекистоннинг ягона ва қудратли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига ихтиёрий равишда бирлашуви республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш, халқ фаровонлигини ва маорифни ўстириш, фан, маданият мислсиз равнақ топиши сўръатлари ва кўламларини ҳал қилувчи даражада белгилаб берди. Революциядан олдин ўлкамизда аҳолининг 2 процентдаг кўпроғи саводхон, унинг ғоят катта кўпчилиги жаҳолатда ва хурофотда яшаган бўлса, бугун у ёппасига саводхон ўлкагина эмас, ҳар ўн минг киши ҳисобига студентларнинг сони жиҳатидан Англия ва ГФР каби капиталистик мамлакатларни ҳам орқада қолдириб кетган илғор республикадир.

Эндиликда Ўзбекистон кўп тармоқли саноати юксак даражада тараққий этган республикадир. Ҳозир 1700 дан зиёд корхона замонавий самолётлардан тортиб электрон ва радио приборларгача ишлаб чиқармоқда. Ўлкада саноат ишлаб чиқариши 1924 йилга нисбатан 230 баравардан зиёд кўпайди. Умумиттифоқ миқёсида ишлаб чиқариладиган жами чигит экиш машиналари, пахта тозалаш ва пилталаш машина-ускуналари республикамиз ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизнинг умуминттифоқ аҳамиятига молик қурилишларида барча қардош республикаларнинг вакиллари қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунда улар Байкал-Амур магистралини бунёд этиш, Ноқоратупроқ ўлка ерларини ўзлаштириш, Ғарбий Сибирь ва Узоқ Шарқ бойликларини коммунизм манфаати йўлида хизмат қилдиришда мардлик ва фидойилик кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистонимизнинг қардош республикалар билан алоқалари қонуний равишда ривожланиб бормоқда. Ўлкамиз қардош республикалардан катта мадад олиб турибди. Чунончи Россия Федерацияси республикамизга хилма-хил техника, истеъмол моллари ва фан ютуқлари, ишлаб чиқариш тажрибаси ва бошқа кўп нарсалар билан ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Коммунистик партия совет кишиларининг ҳаракати ва ғайратини беш йиллик планларни муваффақиятли бажаришга йўналтирар экан, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишда, ишларни ҳаётий-ҳаётий масалаларни ҳал этишда, ҳаётий масалаларни ҳал этишда, ишларни ҳаётий-

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ПАРТИЯ ИШИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Областнинг бир қанча саноат корхоналарида фондларнинг самарадорлиги ниҳоятда юқори эмас, асбоб-ускуналарнинг смена коэффициенти пастлигича қолмоқда, план кўрсаткичлари бажарилмаяпти. Шу йилнинг январь-ноябрь ойларида маҳсулот реализация қилиш планини бешта корхона, меҳнат унумдорлиги планини 17 та корхона бажармади. Улар 7,5 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот қарздор бўлиб қолдилар. Кўпгина корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўртача ойлик иш ҳақининг ўсишидан орқада қолмоқда.

Химия заводида, уйсозлик комбинатида, 15-гишт заводлари бошқармасида қувватлардан фойдаланиш даражаси паст. Шойи газламалар комбинатининг Ҳаққулобод филиалида қувватлардан атиги 39,5 процент фойдаланилмоқда.

Кўпгина корхоналар техника билан қайта қуроллантирилиши, улардаги маънавий эскирган ва жисмоний сийқаланган машина-ускуналар алмаштирилиши, қўл меҳнати тугатилиши лозим. Ҳозир область саноатида қўл меҳнатининг улуши 37 процентдан юқори даражада турибди.

Планларга асоссиз тузатиш киритиб, уларни камайтириш ҳолларига ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ, бу эса маҳсулот етказиб бериш интизомини, ишлаб чиқаришни жиддий равишда издан чиқармоқда. Жумладан, нон комбинатида, консерва заводида, Наманган ва Учқўрғон ёғ-экстракция заводларида, пахта тозалаш саноатининг баъзи корхоналарида мана шундай камчиликларга йўл қўйилди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳволи умуман кўнгилдагидек туюлса-да, бу соҳада ҳам ҳали бир талай камчиликлар бор. Шу молларни ишлаб чиқараётган 76 та корхонадан 15 таси планни бажармади. Бешта корхона эса умуман бундай маҳсулотларни ишлаб чиқармади. Меҳнаткашлар маҳсулотнинг турлари камлиги ва сифати пастлиги хусусида ҳақли равишда кўп эътироз билдирмоқдалар.

Материалларни ва энергетика ресурсларини тежаш соҳасидаги ишлар ҳам яхшиланиши керак. Шу йилнинг ўзида бир қанча корхона ва хўжаликлар 6 миллион киловатт-соатдан кўпроқ электр энергияни ва 8 миллион куб метрга яқин газни лимитлардан ортиқча сарфлашга йўл қўйганлар.

Партия ташкилотлари капитал қурилиш масалаларига ҳам кўпроқ эътибор беришлари лозим. Бу соҳадаги ишларни яхшилаш аҳволи суст. Объектларни, шу жумладан уй-жойларни ҳам қуриш муддатларига риоя этилмаяпти. Ишларнинг сифати кўпинча паст бўлмоқда. Кўпгина объектлар нуқсонлари билан фойдаланишга топширилмоқда. Қурилишда қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик сингари шармандали ҳодисалар тугатилган эмас.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ҳам кўп резервлар бор. Область бу йил пахта тайёрлаш планини бажарган бўлса ҳам, аммо бешта совхоз, 131 та бригада планни бажара олмади. Пахта териш машиналаридан ҳам унумли фойдаланилмади, ҳосилнинг атиги учдан бир қисмидан сал кўпроғи машинада терилди. Шаҳарликларни, студентлар ва ўқувчиларни жалб этмай туриб, машиналар ёрдамида ва колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг кучи билан ҳосилни бемалол териб олиш мумкинлигини тажриба кўрсатди. Меҳнаткашларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун пахтадан ташқари бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришга ҳам жиддий эътибор берилиши керак. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш масалалари ҳам доимий эътиборни талаб қилмоқда, бу соҳада бир талай проблемалар бор. Қорамоллар, эчки ва қўйлар туёғи бултургидан камайди, улардан насл олиш ҳам озайди. Область хўжаликлари беш йиллик мобайнида давлатга 12 минг тоннага яқин сутни кам берди.

Маълумки, чорвачиликни ривожлантиришда ем-хашак ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Областингизда мустаҳкам ем-хашак базасини яратиш соҳасида кўп иш қилинган бўлса-да, бу ишда резервлар ҳали кўп. Айрим ем-хашак экинлари етиштиришни кўпайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш шу резервларнинг энг муҳимидир. Область аҳолиси мева-сабзавот маҳсулоти билан етарли равишда таъминланмаяпти. Давлат магазинларида кўпинча паст сифатли мева ва сабзавот сотилмоқда ёки умуман йўқ, аммо бозордаги чайқовчиларда бундай маҳсулотлар кўп ва уч ҳисса қиммат сотилмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашнинг корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликлари каби муҳим резервидан ҳали ҳам суст фойдаланилмоқда.

Халқ фаровонлигини ошириш соҳасида партия ўртага қўйган вазифалар транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш ишларини тубдан яхшилашни талаб қилади. Мазкур тармоқларда барча ишлар яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Молларни яшириб қўйиш, харидорларнинг ҳақига хиёнат қилиш, маиший хизмат соҳасида ишловчи ходимларнинг қўпол муомаласи каби фактлар ҳақли эътирозларни келтириб чиқармоқда. Доклядда ҳам, конференция қатнашчиларининг нутқларида ҳам меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш ва коммунал хизматни ривожлантириш билан боғлиқ проблемалар ҳаққоний равишда таъкидлаб ўтилди.

Жиноятчиликка, социалистик мулкка кўз олайтиришга қарши аёвсиз кураш олиб бориш, жамиятга зид, текинхўр унсурларнинг, чайқовчилар, порахўрлар, талонторож қилувчиларга ҳеч қандай имконият бермаслик, хўжасизлик, бўшанглик ва ишёқмаслик кўринишларига тубдан барҳам бериш область барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг, барча меҳнаткашларининг бурчидир. Партия белгилаб берган вазифаларни ҳал этишда халқ назоратчилари жойларда партия органларининг тегишли ёрдамида партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига катта ёрдам беришлари мумкин.

Интизом ва тартибни мустаҳкамлаш учун олиб бориладиган қурашни партия ички турмушини такомиллаштириш, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, ўз сафларида ҳар қандай интизомсизлик кўринишларини тугатиш билан чамбарчас боғлаб олиб бориш керак.

Партия хўжалик вазифаларини ҳал этишга новаторлик билан ёндашиб, партия турмушининг ленинча нормаларига, ишда коллегиалчиликка оғишмай риоя этишни, партия ички демократиясини, коммунистларнинг ижодий активлигини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ҳар томонлама ривожлантиришни, кенг ошкораликни таъминлашни талаб қилмоқда.

Республика партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ана шу йўлга ўтди. Ишончли кадрлар билан таъминланган партия комитетлари кейинги вақтда партия, совет, хўжалик фаолияти яхши мактабидан ўтган анчагина сергайрат, ташаббускор, билимдон ходимларни раҳбарлик лавозимларига кўтардилар. Партия ташкилотлари ўз обрўсини тушириб қўйган ходимлардан қатъиян халос бўлмоқда.

Айни пайтда баъзи партия комитетларининг кадрлар билан ишлашида ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор. Бу камчиликлар ходимларни яхши билмасликда ёки уларни шошма-шошарлик билан лавозимларга кўтаришда намоён бўлмоқда. Афсуски, бир қанча ҳолларда илгари турли нуқсон ва камчиликлари, топширилган иш участкасини уддалай олмаганлиги учун жазоланган кишилар раҳбарлик лавозимларига тайинланмоқда.

Бундай камчиликларни бартараф этиш партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бугунги кунда ҳар бир раҳбардан партиявий жасорат, ташаббускорлик, омилкорлик, янгиликни ҳис эта билиш, дадил қарорлар қабул қилиш талаб этилади. Мағрурлик, турмушда ва хизмат соҳасида ортиқча ҳашамга берилиш, такаббурлик ҳозирги раҳбар қиёфасига зиддир. Турли диний сарқитларга нисбатан муросасозлик, ичкиликбозликка мойиллик ҳолларига айниқса, тоқат қилиш мумкин эмас.

Область партия комитети, жойлардаги партия ташкилотлари кадрлар билан олиб бориладиган ишларнинг тўпланган тажрибасидан фойдаланиб, мавжуд резервларни ишга туширишга, ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларидаги камчиликларни бартараф этишга имкон берадиган чора-тадбирларни кўришлари зарур.

Наманган области коммунистлари конференцияда айтилган танқидий фикрлардан тўғри хулосалар чиқарадилар ва партиянинг сиёсатини зўр ғайрат билан амалга оширадилар, КПССнинг XXVII съездини ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездини муносиб ютуқлар билан кутиб оладилар, деб ишонч билдирилди.

Конференция делегатлари область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботини тингладилар.

Конференция Наманган область партия ташкилоти раҳбар органларининг янги составини, КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига делегатлар сайлади.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими Н. Г. Неделькин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. И. Огарок иштирок этдилар.

* * *

Шу куни Наманган область партия комитетининг ташкилий пленуми бўлиб ўтди. Н. Р. Ражабов обкомнинг биринчи секретари, А. С. Боеков иккинчи секретари, Х. М. Аҳмедова, А. Ҳасанов, М. М. Расулов обком секретарлари этиб сайландилар.

СУСТКАШЛИККА БАРҲАМ БЕРИБ, ДАДИЛ ОЛҒА БОРАЙЛИК

(Боши биринчи бетда).

Ғаллаорол, Зомин, Фориш ва бошқа районлардаги кўплаб чорвачилик фермаларида душ ҳам, дам олиш хоналари ҳам йўқ. Кишиларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг унумли ишлаши ва яшаши учун оддий шароитлар ҳам яратилган эмас.

Меҳнат ресурслари етишмаётганлиги муаммосининг бошқа жиҳати ҳам бор, бунга партия комитетлари, обкомнинг янги состави кўпроқ эътибор бериши лозим. Бу ерда гап аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатда банд-лиги хусусида бормоқда.

Масалан, Зомин районидаги Тиргик, Небуса, Гўртепа, Узунқишлоқ, Қизилсой қишлоқларида жами 2,2 минг кишидан кўпроқ 245 оила яшамоқда. Шулардан 800 киши меҳнатга лаёқатли. Бироқ бу қишлоқлар кирадиган территориядаги совхозда бор-йўғи 76 киши ишламоқда. Бу хонадонларда 824 бош қорамол, 3450 бош қўй, 10 та от бор. Бу қонунда белгиланган нормадан уч баравар кўпдир. Албатта, ана шунча мол эгаларининг жамият учун ишлашга вақти йўқ. Яна биз шахсий хўжаликлар ва хонадонлар текширилганида тракторлар ва бошқа техника чиқиб қолса ҳайрон бўлиб юрамиз. Худди ана шу техникадан фақат шахсий манфаат йўлида фойдаланилмоқда. Районда шунга ўхшаш қишлоқлар кўп.

Ана шундай кишиларни актив меҳнат жараёнига тортиш Жиззах области экономикаси самарадорлигини оширишнинг катта резервидир. Бугун биз фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари билан шуғулланар эканмиз, ана шу резервни ишга солиш учун ҳамма ишларни қилишимиз керак.

Коммунистларнинг авангардлик роли масаласи ҳозир алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси менга КПСС Устави нормаларидан ва партия ахлоқи принципларидан чекинишга йўл қўяётган, ишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётган раҳбар кадрларга нисбатан Марказий Комитет XVI пленумининг йўли ўзгармас эканлигини Жиззах область партия конференцияси делегатлари ҳузурида яна бир бор тасдиқлашни топширди. Ана шу пленум қарорларини бажариш юзасидан Жиззах коммунистлари қилган ишни фақат дастлабки босқич деб қараш мумкин.

Марказий Комитет XVI пленумидан кейин ишлаб чиқариш фаолияти ва шахсий ҳулқ-атворидаги нуқсонлар учун ўз лавозимидан бўшатилган область ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари Қаюмжонов, Зарбдор ва Жиззах район ижроия комитетларининг собиқ раислари Холиқулов ва Алимов, область соғлиқни сақлаш бўлимининг собиқ мудири Алимқулов, Энгельс номли ва «Узунбулоқ» совхозларининг собиқ директорлари Аҳроров ва Норбоев ҳамда бошқа баъзи кишилар яна раҳбарлик ишига ўтказилганлиги шундан далолат бериб турибди.

Чамаси баъзи партия комитетлари кадрларга эҳтиёткорлик билан муносабат бошқа-ю, ўз обрўсини тўкиб қўйган кишиларни жавобгарликдан қутқариб қолишга уриниш бошқа эканлигини тушунмаётганга ўхшайдилар.

В. И. Ленин 1922 йилда Сиёсий бюрога хатида қуйидагиларни ёзган эди: «...3. Барча губерна комитетларига таъкидлаб айтилсинки, коммунистларнинг жавобгарлигини «юмшатиш» маъносида судларга «таъсир қилишга» заррача бўлса ҳам уринган шахсларни Марказий Комитет **партиядан чиқаради.**

4. Циркуляр хат орқали Адлия халқ комиссариглига маълум қилинсинки, копияси губерна партия комитетларига юборилсин, судлар коммунистларни коммунист бўлмаганларга қараганда **қаттиқроқ** жазолашлари керак».

Ленин масалани ана шу тарзда қўйган эди. Сизларда эса обрўсини тўкиб қўйган айрим раҳбарлар ишдан олинганидан кейин турли-туман баҳоналар қилиб, яна катта лавозимни эгаллашга интилиб ишламай юрдилар.

Бир қанча раҳбарлар сўзда иш услубини такомиллаштириш тарафдорлари бўлиб чиқиб, амалда ҳали ҳам фаолиятнинг эски, ёшини яшаган ва қоралланган форма ва методларига мойилдирлар. Ана шунинг учун ҳам Арнасой район партия комитетининг биринчи секретари Нишонов ва шу райком секретари Алимқулова янги муддатга сайланишга тавсия этилмадилар.

Партиявий раҳбарликнинг самарадорлигини ошириш муҳимлиги ҳақида гапирар эканмиз, шуни таъкидлаш керакки, бу раҳбарликнинг самарадорлиги партия органлари ҳаётнинг ҳамма жабҳаларидаги ҳақиқий аҳволни яхши билишлари ва ўз ишларига қай даражада танқидий муносабатда бўлишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси ошкоралик, ўз-ўзини танқиднинг намунасини кўрсатмоқда. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми йўлига ҳам хосдир. Биз область, район, колхоз, бригада олдида турган муаммолар ҳақида қанчалик очиқ-ойдин гапирсак, оқилона таклифлар, ишни рўй-рост баҳолаш шунча кўп бўлаверади. Бугун партия тартиб ўрнатиш учун қилаётган ишлар ҳаммага ошкор бўлиши лозим.

Биз Жиззах областидаги барча шаҳар ва қишлоқлар меҳнаткашларига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларининг моҳияти, область, шаҳар, район партия комитетларининг ана шу пленум белгилаб берган йўлда ўтказаётган тадбирлари мазмуни етиб бораяпти, деб ҳисоблай оламизми? Ҳозир бу ҳақда гапириш эрта бўлса керак. Агар пленум қарорлари ҳар бир меҳнаткашнинг онгига етказилганида эди, ўйлайманки, ушбу анжумандан кейин пайдо бўлган кўзбўямачилар ва порахўрлар йўлига жиддий ғов солинган бўлур эди.

Биз ғояларни омма англаб олганидан кейингина улар моддий кучга айланишини биламиз. XVI пленум ғояларини областдаги ҳамма меҳнаткашлар англаб олганидан кейингина халқ ўз орасидан муносиб, ҳалол кишиларни кўрсатади. Шу тарика кадрларни, айниқса ўрта бўғин раҳбарларини янгилаб оламиз, бунга ишончимиз комил.

Бошланғич партия ташкилотларининг ролини ошириш борасида ҳам жиддий иш қилишимиз лозим. Жиззах областидаги суиистеъмолчилар, кўзбўямачилик, димоғдорлик, мақтанчоқлик фактлари ҳозиргача бошланғич партия ташкилотлари эмас, балки юқори органлар текшириви ва аризалар натижасида очиб ташланди. Бошланғич партия ташкилотларининг активлигини, жанговарлигини ошириш партиянинг энг муҳим потенциалидир.

Область, шаҳар, район партия комитетларининг янги состави тарбиявий ва пропаганда фаолиятининг ҳамма жабҳаларида расмиятчилик, ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига бепарволикни бартараф этиш ҳақида ғамхўрлик қилиши керак.

Аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш ишида ҳам ҳали ҳал этилмаган кўпгина масалалар бор. Район партия конференцияларида ҳам, делегатларнинг нутқларида ҳам ана шу ҳақда гапирилди. Бизни бир нарса ажаблантиради: нима учун коммунистларни диний маросимларда иштирок этмасликка чақиришимиз керак? Кимки партия Уставига риоя қилмаса, унга партия сафида ўрин йўқ. Ҳанузгача диний байрам кунлари ибодат жойларига одамларни ташиш учун Жиззах области-да совхозлар, муассасалар, корхоналарга қарашли автотранспортдан фойдаланилмоқда. Ана шу корхона, муассаса ва хўжаликларнинг раҳбарлари бунга қандай қарамоқдалар? Бу сўз билан иш бирлиги бузилишининг яққол кўринишидир.

Жиззах коммунистларини олдинда катта қизғин ишлар кутмоқда. Конференция минбаридан туриб айтилган анчагина таклифлар областни социал-иқтисодий ривожлантиришга партия раҳбарлигини яхшилаш йўлларини аниқлаб олишга, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигидаги танг жойларни, пропаганда ишидаги камчиликларни бартараф этиш учун амалий тадбирлар ишлаб чиқишга имкон беради.

Жиззах область партия ташкилоти конференцияда айтилган танқидий фикрлардан тўғри, принципиал хулосалар чиқариб олишига, партия сиёсатини ўтказишда кадрлар масъулиятини оширишга ишонамиз.

Жиззах область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг ҳисоботи тингланди.

Конференция КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини якдиллик билан маъқуллади.

Қабул қилинган қарорда делегатлар область коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари КПССнинг XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездини юксак меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун бутун кучғайратларини сарфлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирдилар.

Конференцияда область партия комитетининг, область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги составлари, КПСС XXVII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездига делегатлар сайланди.

Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков қатнашди.

* * *

Жиззах область партия комитетининг шу куни бўлиб ўтган ташкилий пленумида И. С. Умаров обкомнинг биринчи секретари, С. И. Стрижнев иккинчи секретари, М. Х. Умаров, А. Т. Турдиқулов, А. С. Собиржонов обком секретарлари қилиб сайландилар.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ»

КПСС Марказий Комитети журнали — «Партийная жизнь»нинг 1986 йилги биринчи сони босмадан чиқди. Бу сон «КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида» хабарлари билан бошланади. «Ишда янги ёндашувларни излаб топайлик, уюшқоқлик ва масъулиятни кучайтирайлик» сарлавҳали бош мақола эълон қилинган.

КПСС Ярославль область комитетининг биринчи секретари Ф. Лошченконинг «Пропаганда ва ташкилотчилик ишининг юксак таъсирчанлиги учун», СССР халқ артисти М. Царевнинг «Санъаткор ва замон» сарлавҳали мақолалари, «Ҳаёт тақозоси», «Сифатни яхшилайлик, интизомни мустаҳкамлайлик», «Намуна бўлиб, ҳамма ишга жавоб берайлик» сарлавҳали материаллар, «Маъқуллаймиз, қўллаб-қувватлаймиз, таклиф қиламиз» рубрикаси остида редакция почтасининг обзори партиянинг съездолди ҳужжатларини муҳокама этишга бағишланган.

Журналда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Усмонхўжаевнинг «Ишлаб чиқариш резервларидан яхшироқ фойдаланиш тўғрисида партиявий ғамхўрлик қилайлик» сарлавҳали, КПСС Пенза область комитетининг биринчи секретари Ф. Куликовнинг «Кадрлар фаолиятига реал натижаларга қараб баҳо берилсин» сарлавҳали мақолалари босилган.

Шу сонда эълон қилинган бошқа материаллар орасида «Министрлик партия ташкилотининг ишини такомиллаштирайлик», «Якка-якка суҳбатлашиш — коммунистлар активлигини ривожлантиришнинг таъсирчан формаси» сарлавҳали мақолалар, «Интенсивлашувчи суръатларини кучайтирайлик» сарлавҳаси остида маҳаллий партия ташкилотларидан олинган хабарлар бор.

«Билимдонлик, ишчанликни қарор топтирайлик», «Фан-техника тараққиёти проблемалари комплекс равишда ҳал қилинсин», «Янгича ишлашга активроқ ўтайлик», «Янги беш йилликда ишларни муваффақиятли бошлайлик» сарлавҳали материаллар партия ҳисобот-сайлов конференцияларига бағишланган.

Журналхонларнинг хатлари, уларнинг сигналлари юзасидан кўрилган чоралар тўғрисидаги хабарлар эълон қилинган.

(ТАСС).

ВЕТЕРИНАРИЯГА БАҒИШЛАНГАН АФҒОНИСТОН—СОВЕТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТУГАДИ

КОБУЛ. Бу ерда ветеринарияга бағишланган 22-Афғонистон—Совет конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференция қатнашчилари АДРда ва СССРнинг Афғонистон билан чегарадош районларида 1985 йили ўтказилган ветеринария тадбирларининг якунларини чиқардилар.

Конференцияда, жумладан, АДР территориясида биргаликда ўтказилган тадбирлар натижасида илгари мамлакат чорвачилигига талайгина зиён етказиб келган бир қанча касалликларни енгишга муваффақ бўлинганлиги қайд этиб ўтилди. АДРда ишлаётган совет мутахассислари шу вазифани бажаришга кўп жиҳатдан ёрдам бердилар.

Конференция давомида ветеринария соҳасида бундан буёнги ҳамкорлик ва Совет Иттифоқи ветеринария клиникаларидан ҳамда диагностика лабораторияларидан фойдаланишда ёрдам бериши тўғрисидаги протокол имзоланди. (ТАСС).

• «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„ТАРБИЯНИНГ ОЛТИН КАЛИТИ“

Газетамизнинг 1985 йил 6 октябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш, уларда меҳнат кўникмасини ҳосил қилиш муаммолари кўтарилган эди.

Ушбу мақола юзасидан қатор министрликлар, ташкилот ва идоралардан расмий жавоблар олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАОРИФ МИНИСТРЛИГИдан олинган жавобда, жумладан, шундай дейилади: — Министрлик мақолани ўрганиб чиқди. Унда кўтарилган масалалар ҳақиқатан ҳам мактаб ислоҳоти амалга оширилаётган ҳозирги шароитда ўқувчиларни касбга йўналтириш ва уларга меҳнат тарбияси бериш муаммоларини ўзида акс эттирган. Бу масалалар министрлик коллегиясида муҳокама этилди ва қабул қилинган қарорда ўз ифодасини топди.

Бугунги кунда меҳнат тарбияси учун асбоблар ишлаб чиқариш юзасидан тадбирлар белгиланди. Бунга мувофиқ 1986 йилдан бошлаб Тошкент асбобсозлик заводи ана шу асбобларни ишлаб чиқаришга киришади. Министрлик кўрсатиб ўтилган асбоблари олиш учун 1990 йилгача бўлган буюртмани берди.

Мақола юзасидан **ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ** йўллаган жавобда қуйидагилар хабар қилинади:— Министрлик 69 та мактабда ва 18 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида оталиқ, касб танлаш бўйича ишларни олиб бораётир. Министрликда трест бошқарувчилари ўринбосарлари ва кадрлар бўлимлари бошлиқлари иштирокида кенгаш ўтказилиб, умумий таълим мактаблари ислоҳотини амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар муҳокама этилди. 25 та қурилиш трести ва бирлашмаси оталиқдаги мактаблар ҳамда мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари билан ҳамкорликда шартнома тузилдар ва мактабларда ўқув-моддий базасини ташкил этиш, шунингдек, ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлигини уюштириш бўйича тадбирлар белгиладилар. Қурилиш ишлари бўйича амалий машғулотлар ўтказиш учун мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига 15 нафар ишлаб чиқариш таълими мастерлари юборилди. Шунингдек, амалий машғулотлар қурилиш майдончаларида ўтказилянти.

Яқинда Фарғона шаҳридаги 11-қурилиш трести 3-ўрта мактаб билан шартнома тузди. Биргаликда тадбирлар ишлаб чиқилди.

— Мақола ҳунар-техника билим юртлари директорлари ва уларнинг ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича ўринбосарлари иштирокида муҳокама этилди, — дейилади **ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ**дан олинган жавобда. — Мақолада Главташкентстрой учун малакали ишчи кадрлар тайёрловчи ҳунар-техника билим юртларида ўқув-моддий база бўшлиги тўғри кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети, Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармаси, ўқув юртлари ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишларини олиб бориш ва ишчи кадрлар тайёрлаш учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан чора-тадбирлар белгиладилар.

Ўрта ҳунар-техника билим юртлари учун ўқув-кўргазмали қуроллар, тренажёрлар, 13,7 минг сўмлик ўқитишнинг техник воситалари ажратиб берилди. 35, 12, 43-ўрта ҳунар-техника билим юртлари бинолари ва хоналари капитал ремонтдан чиқарилди, 5-ўрта ҳунар-техника билим юрти ётоқхонаси жорий ремонт қилинди.

Главташкентстрой билан биргаликда ўн иккинчи беш йилликда ўқув-моддий базани мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва малакали ишчи кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ана шу тадбирларга кўра, кейинги беш йилликда 1440 ўринли иккита комплекс қуриш, 35, 6, 5-ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Давлат комитети мақолада кўрсатилган нуқсонларни бартараф этиш ва кўрилган чора-тадбирларнинг бориши устидан назорат ўрнатди.

«Тарбиянинг олтин калити» сарлавҳали мақола юзасидан Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитети ва район Совети ижроия комитетидан ҳам жавоблар олинди.

ФРУНЗЕ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ йўллаган жавобда қуйидагилар таъкидланади:— Мақола мактаб ислоҳотини амалга ошириш Советида муҳокама этилди. Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида корхоналар ва мактаблар раҳбарлари иштирокида базавий корхоналар ишларининг бориши ва умумтаълим ва ҳунар мактаблари ислоҳотини амалга ошириш вазифалари кўриб чиқилди.

Ҳақиқатан ҳам Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси билан 73-ўрта мактаб ўртасида ўқувчиларга меҳнат тарбияси бериш юзасидан шартнома тузилмаган эди, ҳозирги вақтда бирлашма маъмурияти билан 73-мактаб ўртасида шартнома тузилди. Унда 1-7-синф ўқувчиларига меҳнат тарбияси бериш режалари кўзда тутилган. Синфлар назарий адабиётлар, пойабзал тайёрлаш технологияси бўйича кўргазмали қуроллар, фабрика буюмларидан намуналар, бирлашма коллективи эришган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар билан жиҳозлантириляпти.

ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙдан олинган жавобда қуйидагилар хабар қилинади: — Мақола 5, 6, 12, 31, 35 ва 43-ҳунар-техника билим юртларига бириктирилган базавий трестлар раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилди. Мақолада кўрсатилган фактлар ҳақиқатан ҳам тўғри. Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш ва назарий билимларини янада яхшилаш мақсадида трестлар, ДСК раҳбарларига билим юртлари директорлари билан биргаликда 1986 йилда янги жиҳозлар, асбоблар, шунингдек, қурилиш материаллари ажратиш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди. Ўқувчиларни дурадгорликдан ишлаб чиқариш практикасини ўтказиш учун ДОЗ-1-га, Промстройкомплектга юбориш тавсия этилди. Шунингдек, бошқарманинг касб-ҳунар кабинетига ҳунар-техника билим юртлари ва мактабларда қурилиш касби бўйича ёшларни касбга йўналтириш ишларини кучайтириш топширилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ХАЛҚ МАОРИФИ БОШ БОШҚАРМАСИ: — «Тарбиянинг олтин калити» сарлавҳали мақола Бошқармада ва унинг органларида ўрганиб чиқилди. Тошкент шаҳар халқ маорифи органларининг бутун амалий фаолияти умумтаълим ва ҳунар мактаблари ислоҳотини амалга оширишга қаратилган. Ишчи группалари тузилган. Улар илғор педагог коллективлари иш тажрибаларини ўрганишади ва уни оммалаштириш билан шуғулланадилар. Масалан, илғор 101, 70, 243-умумтаълим мактаблари базасида ислоҳотни амалга ошириш масалаларига бағишланган барча турдаги мактаблар директорлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, мактаблар отаоналар комитетлари раислари учун семинар-кенгашлар ўтказилди.

Бош бошқарма Советида мактаблар ва базавий корхоналарнинг, масалан, 210-мактаб билан ТТЗ, 220, 63, 86-мактаблар билан Тошкент тўқимачилик комбинати ҳамда бошқаларнинг ўқувчиларни касбга йўналаштириш ва уларга меҳнат тарбияси бериш соҳасида тўплаган тажрибалари ўрганилди, умумлаштирилди ва маъқулланди.

Олти ёшдан ўқитиш ва бошланғич мактабларнинг янги программалари юзасидан тажриба тўплаш мақсадларида 1980—1981 ўқув йилидан бошлаб 246, 240, 235-мактабларда ҳамда 74, 499-мактабгача тарбия муассасаларида тажриба олиб борилаётир.

Шаҳардаги аксарият мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида юқори синф ўқувчилари кучи билан мактаблар ва мактабгача муассасалар учун бир қатор ўқув қуроллари ва кўргазмали қўлланмалар ишлаб чиқарилаётир.

Бош бошқарма мактаблар ва базавий корхоналар ўртасида шартнома тузиш юзасидан намунали план ишлаб чиққан.

Бу ўқув йилида ўқувчиларни информатика курси бўйича ўқитишни йўналтириш мақсадида 2, 54, 70, 97, 240-умумтаълим мактаблари-да ҳамда Собир Раҳимов, Киров, Куйбишев, Чилонзор районларидаги мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларида информатика ва ҳисоблаш техникаси кабинетлари ташкил этилди. 1390 ўқувчи электрон ҳисоблаш машинасида амалий машғулотлар ўтказиш имкониятига эга.

Миллий мактабларда рус тилини ўрганишга жиддий эътибор берилаётир. Тошкентдаги 91 та мактабда иккинчи она тилини чуқур ўрганиш ташкил этилган.

Шаҳарда ишчи касби бўйича касб-ҳунар танлаш ишлари системаси вужудга келган. Унинг формалари ранг-баранглигидир. Шаҳардаги ўнта мактабларарО ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ва 170 та умумтаълим мактабларидаги касб танлаш кабинетлари жиҳозланган. Бош бошқарма республика Меҳнат давлат комитетининг касб танлаш консультацияси кабинети билан биргаликда қатор мактабларга «Касб танлаш асослари» факультатив курсини киритди.

Бош бошқарма бундан буён ҳам мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларининг илғор педагогик тажрибасини ўрганишга ва кенг ёйишга ўзининг бутун кучини сарфлайверади.

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТИ шундай мазмунда жавоб йўллаган: — Мақолада ўқитувчилар учун методик ва ўқув қўлланмалари камлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Шу муносабат билан «Ўқитувчи» нашриёти олти ёшлиларга ва ўқитувчиларга дарслик ҳамда қўлланмалар босиб чиқариш устида қизғин иш олиб бормоқда. Мактаб ислоҳоти асосида 23 номда дарслик ва методик қўлланмалар тайёрланмоқда. Улар асосан олти ёшлиларни ўқитишга бағишланган бўлиб, 1986-1987 ўқув йилигача нашр этилади. Мактаб ислоҳоти талаблари асосида умумий таълим ва ҳунар мактаблари учун ҳам бир қатор дарслик ва қўлланмалар яратилади.

«Совет Ўзбекистони» давра суҳбати

СССРНИ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1986-1990 ЙИЛЛАРГА ҲАМДА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

СУТ ЧОРВАЧИЛИГИ—МУҲИМ ТАРМОҚ

Кейинги йилларда республикамиз хўжаликларида чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, моллар парваришини яхшилаш ва сигирлар маҳсулдорлигини ошириш борасида муайян ишлар қилинди. Айниқса, тармоқни ихтисослаштириш, концентрациялаш, оғир иш жараёнларини механизациялаш ва фермаларда янгича иш формаларини ташкил этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

Дарвоқе, партия ва ҳукуматимиз эндиликда сут чорвачилигини янада ривожлантириш, уни бутунлай саноат негизига ўтказиш ишларини жадаллаштириш вазифасини қўймоқда. «Сут чорвачилигига ҳам ёндашишни ўзгартириш керак, — деб таъкидланди шу йил 7 сентябрда Целиноград шаҳрида бўлиб ўтган партия-хўжалик активи кенгашида. — Селекция-наслчилик иши, янги технологиялар, молларни баланслаб боқиш туфайли очиладиган имкониятларни рўёбга чиқариш учун активроқ киришмоқ керак. Булар — юксак маҳсулдорликнинг энг асосий таркибий қисмларидир».

Яқинда тармоқнинг бир группа вакиллари — мутахассислар ва ишлаб чиқариш илғорлари редакциямизда — «Давра суҳбатинга тўпланиб, шу муҳим масалалар хусусида фикрлашдилар.

Суҳбатда Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институти сут етиштириш ва сифат технологияси лабораториясининг мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. МИРҲИДОЯТОВ, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози селекционер-зоотехниги Р. АКБАРОВ, Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг селекционер-зоотехниги Г. КАМЕНОВА, шу хўжаликнинг илғор сут соғувчиси, республика Олий Советининг депутати М. САЛИМОВА ўртоқлар қатнашдилар. Суҳбатни Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор У. НОСИРОВ олиб борди.



Суратда: давра суҳбати иштирокчилари. В. Молгачев фотоси.

«Ўзбекистон ССРда... қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 14-16 процент кўпайтирилсин. 1990 йилда... сут етиштириш 3,3—3,5 миллион тоннага... етказилсин».

(СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасидан).

СЕЛЕКЦИЯ—НАСЛЧИЛИК ИШЛАРИГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Сигирлар сонини ўстириш, уларнинг маҳсулдорлигини ошириш бўйича эришилган суръатлар республикамиз аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондира олмаяпти, — дея гап бошлади **Убайдулла НОСИРОВ**. — Олимлар ва мутахассисларнинг фикрича, хўжаликлардаги мавжуд сигирлар ўзининг насли ва генетик имкониятларига кўра яхши парвариш қилинса, уларнинг ҳар биридан йилига ўртача 3—3,5 минг килограмм сут соғиб олиш мумкин.

— Жуда тўғри гап, — тасдиқлади **Мактуба САЛИМОВА**. — Ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев Целиноградда бўлиб ўтган партия-хўжалик активи кенгашида **«Агар биз ҳозир мавжуд сигирларнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 3 минг килограмм сут оладиган бўлсак, сутни қаерга қўйишни билмай қолар эдик»**, — деган эди. Лекин республикамизда ҳозирча шундай ўртача кўрсаткичга ариша олмаяпмиз!

— Ўтган беш йилликда республикамиздаги кўплаб хўжаликларда моллар насли ва генетик имкониятларидан ёмон фойдаланилди. Бунинг устига, шу йилнинг ўн ойи мобайнида республика хўжаликларида ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори ўтган йилнинг шу даври кўрсаткичи — 1951 килограммдан 1706 килограммга тушиб қолди, яъни 245 килограммга камайди.

Айниқса, Қорақалпоғистон Автоном республикаси, Андижон, Тошкент областларида бу кўрсаткич янада паст бўлди. Сигирлардан сут соғиб олишнинг бу даражада тушиб кетиши, аввало, республикамиздаги кўплаб хўжаликларда молларни тўйимли рацион билан таъминлашда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги, озуқанинг сифатсизлиги, сигирларнинг генетик потенциалидан тўла фойдаланмаслик натижасидир. Шу боиси, республикамиз партия ва ҳукумати сут чорвачилиги самарадорлигини оширишга катта эътибор беришмоқда. Зеро, бу борада яхши натижаларга эришаётган хўжаликларимиз ҳам кўп.

— Дарҳақиқат, шундай — деди **Мирвосил МИРҲИДОЯТОВ** У. Носиров фикрини давом эттириб. — Республикамизда етарли ва сифатли озуқа базаси яратган, молларни тўйдириб боқаётган ва селекция ишларини яхши йўлга қўйган хўжаликларда ҳар бир сигирдан йилига 4—4,5 минг килограммдан сут соғиб олиш таъминланмоқда. 1 центнер сут етиштириш учун 2,5 —2,8 киши-соати ва 1,2—1,5 центнер озуқа бирлиги сарфланяпти. Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида йилига ҳар бош сигирдан 5 минг килограммга етказиб сут соғиб олинмоқда. 1 центнер сут учун 1,53 центнер озуқа бирлиги, 5,47 киши-соати сарф бўлмоқда. Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхози ва Пискент районидаги Свердлов номли колхозда ҳар бир сигир маҳсулдорлиги 3850—4191 килограммни ташкил этаётир.

1984 йилда сигирлардан мўл-кўл сут соғиб олишда бошқа қатор хўжаликларда эришилган кўрсаткичлар ҳам диққатга сазовор. Улар орасида Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Навоий номли, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон», Чиноз районидаги «Партия XXV съезди» колхозлари, Оржоникидзе районидаги «Красний Водопад» тажриба базаси ҳамда Наманган районидаги «Ленинград», Ленинград районидаги Энгельс номли, Боғот номли колхозларнинг чорвадорлари бор. Бу хўжаликларда ҳар бир сигирдан йилига 3,2—3,8 минг килограммдан сут соғиб олишга эришилиши билан бирга, етиштирилган ҳар бир центнер сут учун озуқа бирлиги ва меҳнат куни анча кам сарфланаётир. Демак, қаерда мустаҳкам озуқа базаси яратилса, селекция-наслчилик ишлари яхши йўлга қўйилса ва бошқа технологик жараёнлар тўғри ҳал этилса —ўша ерда кам меҳнат ва сарф-харажат билан юқори рентабелликка эришиш ва моллар маҳсулдорлигини таъминлаш мумкиндир.

Чорвачилик проблемаларини ҳал қилиш борасида муайян куч-ғайрат сарфланганлигига қарамай, фан-техника тараққиёти тармоққа ҳали тўла кириб келганича йўқ. Кўпгина раҳбар ходимлар, мутахассислар гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш проблемаларини ҳамон экстенсив омиллар ҳисобига ҳал қилишга уринмоқдалар. Илгари биз чорва моллари сонини кўпайтиришни эмас, балки моллари сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулдорлигини оширишни асосий йўналиш деб ҳисоблаган эдик. Ўшанда кўп кишилар бу ишнинг моҳиятини яхши тушуниб етмадилар. Лекин ҳаёт тармоққа шундай ёндашиш тўғри эканлигини исботлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Хулласи, бундан буён асосий диққат-эътиборимизни чорва туёғини кўпайтиришга эмас, балки маҳсулот етиштиришнинг интенсив методларини қатъият билан жорий этишга қаратишимиз керак.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

Қорамолчиликни янада ривожлантириш ва моллар маҳсулдорлигини ошириш парвариш сифатини яхшилашга, сигирларни асраш ва суллдор ёш моллар ҳисобига тўлдиришга боғлиқдир.

Бу ҳақда **Рихсибой АКБАРОВ** билан **Галина КАМЕНОВА** ўртоқлар конкрет мисоллар келтириб гапиришди.

Моллар рационида озуқалар нисбатининг тўғри бўлиши— унинг самарадорлигини 10—15 процент ошириши аллақачон исботланган. Сигирларни нотўғри, керагидан кам озуқа билан озиқлантириш сутни камайтириб юборади. Айрим хўжаликларда озуқани иқтисод қилиш базоҳасида молларни муттасил тўйдириб боқишмайди. Бу билан улар олиниши мумкин бўлган сутни кўплаб миқдорда йўқотаётганликларини ва ишлаб чиқаришга катта зиён келтираётганликларини англамайдилар. Илмий кузатишлар ва илғорлар тажрибасининг кўрсатишича, моллари озиқлантириш даражасини ошириш ва рационнинг бойлигига эришиш сигирлар маҳсулдорлигининг кўтарилишига олиб келади. Бу, шубҳасиз, сарфланган озуқа сарфини бемалол қоплаб, катта фойда келтиради.

Моллар тўйдириб озиқлантирилмаслиги маҳсулдорликни пасайтирибгина қолмай, турли касалликларга чалинишига ҳам олиб келади. Сигирлар соғин даврининг дастлабки ҳафтасида етарли миқдорда озиқлана олмайди. Шу туфайли бўғоз моллар парваришини шундай ташкил этиш керакки, улар қорнидаги наслнинг тўғри ривожланиши, организмидаги минерал ҳамда бошқа моддалар запасини тўлдириб бориши учун етарли миқдорда озуқа олсин. Шундай қилинганда сигирлар кейинги соғин даврида кўп сут беради.

Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида подада маҳсулдор молларни кўпайтириш мақсадида сунъий уруғлантиришга катта эътибор бериляпти. Бу ерда 1980 йилдан буён «Голиштен-фриз» зотли бўқалар уруғидан сунъий урчитиш йўлга қўйилди. Натижа ёмон эмас. Ҳозир фермада 260 бош шу зотли бўқалардан олинган наслдор моллар бор. Уларнинг 89 бошини соғин сигирлар ташкил қилади. Биринчи туғишдан сўнг маҳаллий сигирлардан ўртача 3357 килограмм сут олинаётган бўлса, «Голиштен-фриз» зотли сигирлардан 3495 килограммгача (138 килограмм кўп) серқаймоқ сут соғиб олишга эришиляпти. Хўжаликда бу йил моллардан қиш даврида ҳам кўпроқ маҳсулот олиш ва уларни қишловдан нобуд қилмай, семиз ҳолда олиб чиқиш учун етарли миқдорда озуқа базаси яратилди. Жумладан, 2902 тонна дағал хашак, 500 тонна сенаж, 3700 тонна силос, 1569 тонна лавлаги, турли хил концентрат озуқалар жамғарилди. Дағал хашак молларга озуқа цехларида майдаланиб, буғлатилиб, микроэлементлар қўшилган ҳолда бериляпти. Емларнинг ҳамма тури атала шаклида пиширилиб, ҳар бош молга ўртача 3 килограммдан едирилмоқда. Бундан ташқари, кунига ҳар бир мол ҳисобига 2 килограмм беда уни, 2 килограмм сомон, 5 килограмм лавлаги, 2 килограмм шелуха озуқалари сарфланяпти. Бундай илғор технология ва баланслаб боқиш рационида сигирлар сути кун сайин ошяпти, албатта. Ш. Акбарова, А. Рихсибоева, В. Мусаева сингари илғор соғувчилар ўз боқимларидаги говмушларнинг ҳар биридан шу йилнинг ўн бир ойида 3815—4249 килограммдан сут соғиб олишга эришдилар. Худди шундай мисолни ва илғор тажрибани Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози чорвадорлари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

Сигирларнинг генетик имкониятларидан тўла фойдаланишга эришиш— молларни тўғри озиқлантириш технологиясига боғлиқ. Агар сигирларни парваришлаш ва сақлаш тўғри ташкил этилса, улардан фақат ёз ойларидагина эмас, қиш фаслида ҳам кўп сут олиш мумкин. Бунда озуқа сифати ҳам катта аҳамиятга эга. Агар озуқа сифати паст бўлса, унинг кўп қисми чиқитга чиқиб, концентратлар керагидан ортиқча сарфланишига йўл қўйилади. Натижада маҳсулот таннархи ортиб кетади. Хўжаликларда юқори сифатли озуқа жамғарилиши — молларни физиологик жиҳатдан асосланган усулларда парваришлаш имконини беради.

Ҳозир республикамизнинг кўплаб хўжаликларида озуқа цехлари ишлаб турибди. Уларнинг кўп қисми озуқа аралашмаси тайёрланадиган технологик линиялар билан жиҳозланган. Бу — хўжаликларда жамғарилган озуқалардан самарали фойдаланиш имконини беради. Озуқалар цехларда қайта ишланганда уларнинг ҳазм бўлиши осонлашади, дағал хашакнинг таъми яхшиланади. Шу боис ҳар бир фермада бирор килограмм ҳам озуқанинг молларга қайта ишланмасдан едирилишига йўл қўймаслигимиз керак.

МОЛЛАРНИ БАЛАНСЛАБ БОҚИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Республикамиз хўжаликларида юқори маҳсулдор сигирлар бош сонини кўпайтиришда бузоқларни парваришлаш шароити, айниқса, баланслаб боқиш тажрибаси катта аҳамиятга эга. Бузоқлар парваришини шундай йўлга қўйиш керакки, **биринчидан,** унинг насл имкониятлари тўла намоён бўлсин, **иккинчидан,** у тежамли ва замонавий технологик ечимларга асосланмоғи лозим.

Ҳозир республикамиздаги барча районларда наслли бузоқ ва ғунажинлар ўстиришга ихтисослаштирилган корхоналар мавжуд. Энг яхши ихтисослаштирилган корхоналар, жумладан, Пастдарғом районидаги хўжаликлараро корхона ва Ғалаба районидаги Энгельс номли колхозларнинг фаолиятини анализ қилиш бузоқлар парвариши таннархини 20—30 процент камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда. Селекция-наслчилик ишлари билан бир қаторда тор ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва уни яхши парваришлаш билан қўшиб олиб бориш бу хўжаликларга сут комплекслари ва фермаларга маҳсулдор моллар етказиб бериш имконини яратмоқда.

Бироқ бузоқларни боқишга ихтисослаштирилган кўпчилик хўжаликларнинг фаолияти ҳозирги кун талабларига жавоб бермаётир. Улар камқувват, бунинг устига парвариш технологиясини нормал амалга ошириш учун зарур бинолар етишмайди. Бундан ташқари, технологиянинг алмашлаб туриш режимлари бузилмоқда, етарли озуқа базаси яратилмаган, наслчилик ишлари ва маълум мақсад учун боқишни таъминлайдиган шароит йўқ.

Бу хусусда **М. МИРҲИДОЯТОВ** бир қатор танқидий фактларни келтириб ўтди. У бир гуруҳ тармоқ мутахассисларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлимининг топшириғи билан республикамиз областлари чорвачилик хўжаликларида яқинда ўтказган текшириш якунлари ҳақида алоҳида тўхталди.

Фарғона областининг Фарғона райони чорвачилик хўжаликларида бўлган текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, районда сут соғиб олиш миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайиб кетган. Айрим хўжаликларда (масалан, Навоий номли колхозда) озуқа бирлиги олинаётган сут миқдорига нисбатан ортиқча сарфланяпти ёки бир килограмм сут ҳисобига икки килограммгача озуқа бирлиги ишлатилмоқда. Ҳамза Ҳакимзода номли совхозда шу кунларда кунига икки тонна ем-рофида сут тайёрланяпти, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча кам. Бунинг асосий сабаби молларга етарли миқдорда ва зарур сифатда силос, лавлаги сингари тўйимли ва ширали озуқалар берилмаяпти. «Коммунизм» колхозида сут соғиб олиш камайиб кетаётганини устига истиқбол хусусида ҳам қайғуришмаяпти. Чунончи, моллар наслини яхшилаш мақсадида ташкил этилган сунъий қочириш пунктлари ишламаётир.

Наманган области районлари ва хўжаликларида шу йилнинг 1 ноябрига қадар 105,6 минг бош қорамол парвариш қилинди. Ўмуман олганда, областда якунловчи йилда моллар бош сонини ўстириш плани бажарилди. Уйчи ва Чуст районлари хўжаликларида эса сут чорвачилиги моллари бош сони камайиб кетди. Поп, Янгиқўрғон районларида бу соҳадаги план 89—91,1 процент бажарилди. Мана шундай нуқсонлар оқибатида областда ўтган ойлар сут топшириш плани бажарилмади: ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 процент кам сут ҳозирланди ёки 1240 тонна сут оз етказиб берилди. Чунончи, бу рақам Поп районида 557 тоннани, Чуст районида 346 тоннани, Янгиқўрғон районида 271 тоннани ташкил этди.

Областда сигирлардан бузоқ олиш ҳам талаб даражасида эмас. Шу йилнинг 1 ноябрига қадар ҳар юз бош сигирдан 76 тадан бузоқ олинди. Норин, Поп ва Косонсой районларида ҳар юз бош сигирдан олинган бузоқ 63—70 тага аранг етди. Поп районидаги «Москва» ва Узоқов номли колхозларда эса бу кўрсаткич 42—48 процентда қолиб кетди.

БИР СИГИРДАН ЎРТАЧА 3 МИНГ КИЛОГРАММ СУТ СОҒИБ ОЛИШ МУМКИНМИ?

М. САЛИМОВА давра суҳбати иштирокчилари диққат-эътиборини ана шу масалага қаратди:

— Ҳар бир сигирдан йилига ўртача 3000 килограммдан сут соғиб олишга эришганимизда эди, республикамизда (мамлакатимизда ҳам) сут етиштириш муаммоси аллақачон тўла ва узил-кесил ҳал этилган бўларди. Афсуски, ҳозирги кунда республикамизнинг кўплаб чорвачилик хўжаликларида молларнинг бир кеча-кундузлик семириши 250—300 граммдан ошмаётир. Бу мўл-кўл сут берадиган сигирларга эга бўлишни таъминлай олмайди. Юқори маҳсулдор сигирлар етиштириш учун ихтисослаштирилган хўжаликларда молларни тўйдириб боқишни ташкил этиш, бузоқларнинг эмиш даврида уларга 250—300 килограмм ёғи олинмаган ёки 400 килограмм ёғи олинган сут бериш лозим. Шу йўл билан бузоқларнинг бир кеча-кундузда камида 650—700 грамм семиришини таъминлаш мумкин. Натижада, 17—18 ойлик бузоқларнинг тирик вазни 360—380 килограммга етказилади. Ихтисослаштирилган хўжаликларда бузоқларнинг интенсив ўсишига кенг имконият яратиш — улардан маҳсулдор сигирлар олиш муддатини қисқартиришни ва биринчи соғин давридаёқ мўл-кўл сут олишни таъминлайди.

Шунга қарамай, республикамиздаги кўплаб колхоз ва совхозларда, ихтисослаштирилган хўжаликларда бузоқларни парваришлаш учун зарур шарт-шароитларнинг йўқлигидан 17 — 18 ойлик бўлганда уларнинг тирик вазни зўрға 260—280 килограммга бормоқда, баъзан эса бунга ҳам етмаётир. Натижада уларнинг парваришн 5—7 ойга чўзилиб кетяпти. Шунинг учун кам маҳсулли моллар кўпайиб кетиб, озуқа самараси пасайишига йўл қўйилаётир. Бу масалани тўғри ҳал этиш — жойларда сутчилик комплекслари ва фермалардаги моллар подасини тезроқ комплект (бутлаш)га, сигирлар маҳсулдорлигини ўстиришга имкон беради.

Яна бир муҳим гап. Ихтисослаштирилган хўжаликлардаги подани янгилашни ташкил этишнинг мавжуд формасида бузоқларни парваришлашнинг оддий технологияси уларни серсут қилишга тайёрлаш, елинини массаж қилиб бориш ва биринчи марта сут бераётган сигирларни маҳсулдорлигига қараб танлашга эътибор берилмаяпти. Ҳозир кўплаб комплекслар ва фермаларга маҳсулдорлик даражаси номаълум бўлган, машинада соғишга ўргатилмаган сигирлар аралашиб кетяпти.

Юқори маҳсулдорликка эришиш шартларидан бири сигирларни туғишга, соғишга тайёрлаш ва соғлом бузоқ олишга эришишдан иборат.

Биз ўтказган тажрибалар бўғозликнинг сўнгги даврида сигирларни яхши боқиш ва туғишга тайёрлаш, махсус жойда туғдириш ва бузоқларни онаси билан 3—5 кун бирга асраш катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Мен меҳнат қилаётган Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози чорвадорлари шу йўл билан бузоқларнинг эмиш давридаги бир кеча-кундузлик семиришини 650—700 граммгача етказмоқдалар. Пировардида, 17—18 ойлик бузоқларнинг тирик вазни 360—380 килограмм тош босяпти.

Бу фактлар шуни кўрсатадики, ишга муносабатни тубдан ўзгартириб, селекция-наслчилик тадбирларини намунали йўлга қўйсак, янги технологияларни жорий эта борсак, молларни баланслаб боқиш имкониятларини рўёбга чиқарсак, ҳар бир фермада шубҳасиз, юксак кўрсаткичларга эришиш мумкин. Шунда партия ва ҳукуматимиз талаб қилаётганидек, ҳар бир сигирдан ўртача 3 минг килограмм сут соғиб олишга бемалол эришиш мумкин.

ТАЛАБ, ТАКЛИФ ВА ИСТАКЛАР

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида республикамизда 1990 йилда сут етиштиришни 3,3—3,5 миллион тоннага етказиш вазифаси қўйилган. Бу вазифани ҳал этиш учун ҳозирданоқ сабот билан иш олиб бориш керак.

Биринчи навбатда моллар беш сонини ўстириш, бинобарин юқори маҳсулдорликни таъминлаш даркор. Шу тариқа 1990 йилда ҳар бир сигирдан олинаётган сут миқдорини 500—600 килограммга ошириш керак. Бунга моллар маҳсулдорлигини таъминлашга қаратилган комплекс тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, селекция-наслчилик ишлари, молларни асраш ва озиқлантиришни яхшилаш орқали эришилади.

Бироқ айрим областларнинг бир қатор районларида сут етиштиришни кўпайтиришнинг ана шу муҳим омилларига етарли эътибор берилмаётир. Масалан, Сирдарё областида сигирлар маҳсулдорлиги пасайиб кетишига асосий сабаб, қишлова яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги, озуқанинг камлиги ва сифатининг пастлигидир. Бу йил область хўжаликларида қишлов учун 142—178 тонна озуқа бирлиги жамғарилди, холос. Бу — талаб этилган озуқанинг 65,6 проценти демак.

Бухоро области хўжаликларида ҳам озуқаларни молларга беришга тайёрлаш иши устидан назорат ўрнатилмаяпти. Хашак майдалайдиган техника воситалари, озуқа цехлари қувватидан унумли фойдаланилмаётир. Мавжуд 402 та озуқа майдалаш агрегатларининг 153 таси ишлатилмай бекор турибди. Бухоро, Вобкент, Шофиркон районларидаги озуқа цехларининг атиги 44,4 проценти ишлаб турибди. Худди шундай манзарани Қорақалпоғистон АССР, Наманган, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий областларида ҳам кўриш мумкин.

Эндиги асосий вазифа — 1985/86 йил қишлов мавсумини муваффақиятли ўтказиш юзасидан белгиланган комплекс тадбирларни тўла амалга ошириш, селекция-наслчилик ишларини жонлантириш ва жамғарилган озуқалардан тежаб-тергаб фойдаланишдан иборат. Айниқса, хашак майдалайдиган механизмлар ва озуқа цехлари қувватидан унумли фойдаланиш лозим.

«Давра суҳбати» иштирокчилари қишлов даврида моллар маҳсулдорлигини ўстиришга эришиш ва сут соғиб олишни кўпайтириш учун қўйидаги талаб, таклиф ва истаклар алоҳида эътиборга олинишини тавсия қиладилар:

● **Ветеринария ходимлари фермаларда санитария кунлари мунтазам ўтказиб турилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Бинолар ичкариси, бузоқхоналар ва моллар яйрайдиган майдонлар озода сақлансин.**

● **Сигирларни етарли миқдорда сифатли озуқалар билан озиқлантириш доимо диққат-эътиборда бўлсин, озуқалар самарадорлигини оширишга эришилсин.**

● **Сигирлар сутини кўпайтириш учун илмий асосланган рационлар тузиб чиқилиши ва моллар парваришида уларга қатъий амал қилиниши лозим.**

● **Рацион тузишда сигирларнинг ёши, маҳсулдорлиги, физиологик ҳолати, семизлиги албатта ҳисобга олинсин.**

● **Агар ҳарорат 10 даражадан паст бўлса моллар рационининг тўйимлилиги 10 процент оширилмоғи даркор.**

● **Қишлов даврида ёш бузоқчалар парваришини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Бузоқхоналарда оптимал ҳарорат 10—12 даража иссиқ, ҳаво намлиги 75—80 процент бўлиши керак.**

● **Сигирларни махсус иссиқ жойларда туғдириш, бузоқларни 3—5 кун онаси билан бирга боқиш ва унинг парваришни алоҳида назорат остига олиш шарт.**

● **Фермаларда ва бузоқчилик хўжаликларида сунъий қочириш пунктларининг мунтазам ишлаши йўлга қўйилсин. Сигирлар ва ғунажинларни фақат юқори маҳсулдор буқалардан қочириш, хўжаликлардаги каммаҳсул буқаларни батамом тугатишга эришилсин.**

БИЗНИНГ ШАРҲ:

«Давра суҳбати» иштирокчилари суҳбатда жуда муҳим масалани ўртага ташладилар. У шунинг учун ҳам муҳимки, бугунги кунда республикамиз сут чорвачилиги мўлжалланган ўсиш суръатларидан орқада қоляпти. Фермаларда юксак маҳсулдорликнинг энг асосий омиллари—селекция-наслчилик ишлари, янги технологияларни жорий қилиш ва молларни баланслаб боқиш тартиб-қоидалари талаблар даражасида йўлга қўйилмаган. Шунинг оқибатида моллар маҳсулдорлиги камайиб кетиб, мамлакат Озиқ-овқат программасида кўзда тутилган ўсиш кўрсаткичларига ҳамма, ҳамма жойда ҳам эришилмаётир!

У шунинг учун ҳам муҳимки, партия ва ҳукуматимиз эндиликда сут чорвачилигига ёндашишни ўзгартиришни қатъий талаб қилмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиқиб, «Давра суҳбати» иштирокчилари сут чорвачилигида йўл қўйилаётган нуқсонларни кескин танқид қилдилар. Зоотехника ва зооветеринария қоидаларига асосланиб, чорвадорларга ўзларининг қимматли таклиф, истак ва тавсияларини билдирдилар. Бу таклиф, истак ва тавсияларни Қорақалпоғистон АССР ва республикамиз областларининг барча чорвадорлари, албатта, ҳисобга олишлари керак.

Негаки, айни кунларда деярли барча областларнинг сутчилик фермаларида жиддий камчиликлар учраб турибди. 1985—1986 йил қиш фасли қарийб ярмилаб қолганига қарамай, жойларда озуқа базасидан фойдаланишда, озуқа тайёрлаш цехлари ва техника восталарини ишлатишда суст-кашликка йўл қўйилмоқда. Сирдарё областида 117 та озуқа цехининг 31 таси, Бухоро областида — 216 тадан 98 таси ишлатилмаётганини нормал ҳол деб бўладими! Поп, Чуст районлари хўжаликларида ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган йиллик сут миқдори 1300 —1350 килограмма (баъзан бундан ҳам паст) тушиб қолаётганига қандай баҳо бериш мумкин! Қорақалпоғистон АССРнинг Бўзатов, Сурхондарё областининг Бойсун, Фарғона областининг Фарғона, Жиззах областининг Бахмал, Ғаллаорол районларида чорвачилик техникаси, озуқа базаси ва қишлов жиҳозларидан эгасизларча фойдаланилаётганлигига маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар тоқат қилиб келаётганликлари ишга партиявий, коммунистларга ёндашиш талабларига бутунлай зиддир. Минг афсуси, Деҳқонобод, Мўйноқ, Элликқалъа районлари айрим хўжаликлари фермаларида ҳам қишлов кўнгилдагидек ўтмаётир.

«Давра суҳбати» иштирокчилари чорвачилик фермалари, комплекслари, цехлари, бригадалари ва звеноларида ташкилотчилик ва сиёсий ишлар юксак савияда эмаслигини, ҳамма ерда ҳам социалистик мусобақанинг таъсирчанлигига эришилмаётганини, мусобақалашаётган коллективларга қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Чорвадорларга медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш борасидаги камчиликларни рўй-рост танқид қилдилар.

Вазифа—барча сутчилик фермаларида чорвачиликка хизмат қиладиган техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришдан, ресурсларни тежаш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишдан иборат. Токи, ҳар бир коллектив давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни тўла бажаришга эришсин. Бунда хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларининг ўз вазифаларига чуқур масъулият билан қарашлари ва жонли ташкилотчилик фаолиятлари ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

6 ЧИҚАРИЛИШИ

Ўзбекистон ССР 1985 йилги пул-буюм лотереяси олтинчи чиқарилиши бўйича 24—25 декабрда Янгиер шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Тиражда лотереянинг беш разрядига умумий суммаси 1.044.000 сўм бўлган 1.490 та буюм ва 392.510 та пул ютуқлари ўйналди.

Ютуқлар тиражи лотереянинг бир разрядига ўтказилди. Жадвалда кўрсатилган барча ютуқлар лотереянинг бошқа разрядларидаги шундай серия ва номерларга эга бўлган билетларига ҳам тўланади. Масалан, серия номери 31649, билет номери 123бўлган лотерея билети «Жигули ВАЗ-2107» автомашинасини ютганлиги кўрсатилган. Худди шу ютуқ ҳамма разряддаги шундай серия ва номерли билетларга чиққанлигини билдиради.

Бошқа буюм ва пул ютуқлари ҳам шундай тартибда ўйналган. Серия номери ва билет номери қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди.

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуққа чиққан буюмнинг нархи (сўм, тийин)
29016	084*)	200 сўм пул ютуғи	—
29032	101*)	Духоба дастурхон	23—00
29073	065*)	3 метр хон атлас	39—00
29097	097*)	Духоба дастурхон	23—00
29105	155*)	Духоба парда	43—00
29117	122*)	200 сўм пул ютуғи	—
29121	054*)	300 сўм пул ютуғи	—
29131	169*)	Жун рўмол	55—00
29133	150*)	Духоба дастурхон	23—00
29138	013*)	3 метр хон атлас	39—00
29198	109*)	3 метр хон атлас	39—00
29212	171*)	Жун рўмол	55—00
29223	158*)	«М—67-36-Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
29277	157*)	3 метр хон атлас	39—00
29278	048*)	500 сўм пул ютуғи	—
29280	181*)	500 сўм пул ютуғи	—
29290	166*)	200 сўм пул ютуғи	—
29295	110*)	Духоба дастурхон	23—00
29320	067*)	3 метр хон атлас	39—00
29322	021*)	Духоба дастурхон	23—00
29326	038*)	Жун рўмол	55—00
29336	160*)	3 метр хон атлас	39—00
29342	105*)	100 сўм пул ютуғи	—
29351	199*)	3 метр хон атлас	39—00
29369	024*)	Духоба дастурхон	23—00
29373	070*)	Духоба дастурхон	23—00
29393	066*)	500 сўм пул ютуғи	—
29408	014*)	300 сўм пул ютуғи	—
29429	129*)	3 метр хон атлас	39—00
29448	040*)	3 метр хон атлас	39—00
29450	164*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
29455	143*)	300 сўм пул ютуғи	—
29457	068*)	300 сўм пул ютуғи	—
29463	051*)	500 сўм пул ютуғи	—
29468	054*)	Духоба парда	43—00
29470	138*)	Духоба дастурхон	23—00
29483	086*)	3 метр хон атлас	39—00
29491	048*)	«Москвич-412 ИЭ» автомашинаси	7394—00
29504	139*)	Жун рўмол	55—00
29519	122*)	Жун рўмол	55—00
29533	087*)	Жун рўмол	55—00
29542	033*)	3 метр хон атлас	39—00
29545	108*)	Духоба дастурхон	23—00
29568	057*)	Духоба дастурхон	23—00
29577	046*)	Духоба дастурхон	23—00
29585	187*)	3 метр хон атлас	39—00
29589	152*)	Духоба парда	43—00
29593	128*)	100 сўм пул ютуғи	—
29594	093*)	Духоба парда	43—00
29628	126*)	«Москвич-412 ИЭ» автомашинаси	7394—00
29633	012*)	Духоба парда	43—00
29701	188*)	Духоба парда	43—00
29717	129*)	100 сўм пул ютуғи	—
29733	140*)	Духоба дастурхон	23—00
29740	041*)	Жун рўмол	55—00
29751	090*)	3 метр хон атлас	39—00
29779	065*)	Жун рўмол	55—00
29835	184*)	50 сўм пул ютуғи	—
29840	052*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
29841	128*)	Духоба дастурхон	23—00
29846	196*)	300 сўм пул ютуғи	—
29859	018*)	300 сўм пул ютуғи	—
29879	104*)	Духоба парда	43—00
29887	181*)	Духоба парда	43—00
29889	180*)	3 метр хон атлас	39—00
29920	003*)	Жун рўмол	55—00
29926	101*)	Духоба дастурхон	23—00
29930	132*)	3 метр хон атлас	39—00
29933	199*)	300 сўм пул ютуғи	—
29938	066*)	3 метр хон атлас	39—00
29948	124*)	Духоба дастурхон	23—00
29972	039*)	Духоба парда	43—00
30017	101*)	3 метр хон атлас	39—00
30045	085*)	Жун рўмол	55—00
30081	181*)	3 метр хон атлас	39—00
30095	111*)	500 сўм пул ютуғи	—
30118	142*)	3 метр хон атлас	39—00
30132	095*)	3 метр хон атлас	39—00
30175	107*)	Духоба парда	43—00
30204	029*)	200 сўм пул ютуғи	—
30243	176*)	3 метр хон атлас	39—00
30250	121*)	Духоба парда	43—00
30313	092*)	Духоба дастурхон	23—00
30335	001*)	Духоба дастурхон	23—00
30347	180*)	Духоба дастурхон	23—00
30349	105*)	Духоба дастурхон	23—00
30378	088*)	«Жигули ВАЗ-21013» автомашинаси	7300—00
30381	056*)	Духоба парда	43—00
30383	043*)	500 сўм пул ютуғи	—
30392	169*)	Духоба дастурхон	23—00
30394	093*)	Духоба дастурхон	23—00
30396	041*)	300 сўм пул ютуғи	—
30433	130*)	50 сўм пул ютуғи	—
30442	099*)	Духоба парда	43—00
30449	059*)	3 метр хон атлас	39—00
30473	134*)	200 сўм пул ютуғи	—
30515	070*)	Духоба дастурхон	23—00
30529	189*)	300 сўм пул ютуғи	—
30536	065*)	500 сўм пул ютуғи	—
30539	025*)	3 метр хон атлас	39—00
30541	096*)	200 сўм пул ютуғи	—
30567	046*)	300 сўм пул ютуғи	—
30571	076*)	3 метр хон атлас	39—00
30593	107*)	Духоба парда	43—00
30652	036*)	Духоба дастурхон	23—00
30682	163*)	500 сўм пул ютуғи	—
30686	134*)	Жун рўмол	55—00
30692	113*)	3 метр хон атлас	39—00
30723	040*)	Духоба парда	43—00
30731	185*)	Жун рўмол	55—00
30739	163*)	3 метр хон атлас	39—00
30768	080*)	300 сўм пул ютуғи	—
30773	100*)	Духоба дастурхон	23—00
30786	100*)	3 метр хон атлас	39—00
30796	017*)	3 метр хон атлас	39—00
30809	127*)	Духоба дастурхон	23—00
30826	144*)	3 метр хон атлас	39—00
30848	006*)	Духоба парда	43—00
30859	062*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
30866	175*)	Духоба парда	43—00
30867	193*)	Духоба парда	43—00
30873	096*)	300 сўм пул ютуғи	—
30897	080*)	Жун рўмол	55—00
30898	097*)	3 метр хон атлас	39—00
30904	195*)	Духоба парда	43—00
30911	018*)	Духоба дастурхон	23—00
30919	066*)	Жун рўмол	55—00
30923	009*)	3 метр хон атлас	39—00
30927	110*)	500 сўм пул ютуғи	—
30951	008*)	3 метр хон атлас	39—00
30979	116*)	3 метр хон атлас	39—00
30984	182*)	Духоба парда	43—00
30987	141*)	200 сўм пул ютуғи	—
30993	189*)	200 сўм пул ютуғи	—
31031	079*)	Духоба дастурхон	23—00
31033	051*)	Духоба парда	43—00
31042	162*)	500 сўм пул ютуғи	—
31052	101*)	Духоба парда	43—00
31069	133*)	«Жигули ВАЗ-21013» автомашинаси	7300—00
31081	124*)	Духоба парда	43—00
31115	139*)	3 метр хон атлас	39—00
31119	064*)	100 сўм пул ютуғи	—
31126	063*)	Духоба дастурхон	23—00
31129	134*)	Жун рўмол	55—00
31143	172*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
31161	185*)	3 метр хон атлас	39—00
31162	169*)	20 сўм пул ютуғи	—
31177	018*)	Духоба дастурхон	23—00
31188	061*)	200 сўм пул ютуғи	—
31223	149*)	Духоба дастурхон	23—00
31235	008*)	Духоба дастурхон	23—00
31239	174*)	3 метр хон атлас	39—00
31254	147*)	3 метр хон атлас	39—00
31259	064*)	Жун рўмол	55—00
31273	185*)	Жун рўмол	55—00
31275	194*)	Духоба дастурхон	23—00
31290	090*)	300 сўм пул ютуғи	—
31294	175*)	3 метр хон атлас	39—00
31338	002*)	Духоба дастурхон	23—00
31341	190*)	Духоба парда	43—00
31392	119*)	Духоба дастурхон	23—00
31395	187*)	300 сўм пул ютуғи	—
31396	152*)	200 сўм пул ютуғи	—
31405	198*)	Жун рўмол	55—00
31413	093*)	Духоба парда	43—00
31429	084*)	Духоба дастурхон	23—00
31433	200*)	500 сўм пул ютуғи	—
31447	072*)	Духоба дастурхон	23—00
31466	089*)	Духоба дастурхон	23—00
31470	138*)	Духоба дастурхон	23—00
31480	191*)	100 сўм пул ютуғи	—
31526	122*)	300 сўм пул ютуғи	—
31549	052*)	Духоба дастурхон	23—00
31554	136*)	3 метр хон атлас	39—00
31560	137*)	3 метр хон атлас	39—00
31570	119*)	3 метр хон атлас	39—00
31637	117*)	3 метр хон атлас	39—00
31649	123*)	«Жигули ВАЗ-2107» автомашинаси	9836—00
31681	147*)	«Жигули ВАЗ-2107» автомашинаси	9836—00
31683	036*)	Духоба парда	43—00
31700	181*)	Духоба парда	43—00
31728	194*)	Духоба дастурхон	23—00
31741	178*)	3 метр хон атлас	39—00
31744	028*)	Духоба парда	43—00
31777	134*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
31784	104*)	Жун рўмол	55—00
31788	192*)	Духоба парда	43—00
31792	138*)	200 сўм пул ютуғи	—
31798	164*)	3 метр хон атлас	39—00
31823	061*)	3 метр хон атлас	39—00
31828	067*)	Духоба дастурхон	23—00
31843	092*)	300 сўм пул ютуғи	—
31845	113*)	3 метр хон атлас	39—00
31890	056*)	3 метр хон атлас	39—00
31894	180*)	3 метр хон атлас	39—00
31907	051*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
31931	095*)	«Жигули ВАЗ-21013» автомашинаси	7300—00
31971	076*)	Жун рўмол	55—00
31989	194*)	Духоба дастурхон	23—00
31997	100*)	Духоба дастурхон	23—00
32001	087*)	Духоба парда	43—00
32015	134*)	Духоба парда	43—00
32031	099*)	100 сўм пул ютуғи	—
32069	074*)	3 метр хон атлас	39—00
32094	025*)	Духоба дастурхон	23—00
32103	145*)	3 метр хон атлас	39—00
32120	028*)	Духоба дастурхон	23—00
32158	039*)	3 метр хон атлас	39—00
32179	089*)	Духоба парда	43—00
32196	041*)	3 метр хон атлас	39—00
32208	029*)	Духоба дастурхон	23—00
32228	136*)	Духоба парда	43—00
32229	171*)	Духоба парда	43—00
32247	135*)	Духоба дастурхон	23—00
32252	076*)	Духоба дастурхон	23—00
32271	065*)	500 сўм пул ютуғи	—
32290	077*)	Духоба парда	43—00
32315	101*)	500 сўм пул ютуғи	—
32322	015*)	500 сўм пул ютуғи	—
32334	054*)	Духоба парда	43—00
32336	084*)	3 метр хон атлас	39—00
32345	190*)	Духоба парда	43—00
32349	168*)	Духоба парда	43—00
32354	160*)	Духоба парда	43—00
32379	098*)	50 сўм пул ютуғи	—
32408	043*)	«М—67-36 Урал» аравачали мотоцикли	1745—00
32426	020*)	3 метр хон атлас	39—00
32446	086*)	300 сўм пул ютуғи	—
32472	067*)	Духоба дастурхон	23—00
32485	158*)	Духоба парда	43—00
32504	040*)	Духоба дастурхон	23—00
32509	168*)	Духоба дастурхон	23—00
32540	167*)	Духоба дастурхон	23—00
32541	120*)	500 сўм пул ютуғи	—
32563	086*)	Духоба парда	43—00
32582	053*)	500 сўм пул ютуғи	—
32583	042*)	Жун рўмол	55—00
32597	198*)	Духоба парда	43—00
32602	045*)	«Москвич-412 ИЭ» автомашинаси	7394—00
32606	066*)	Духоба парда	43—00
32611	059*)	3 метр хон атлас	39—00
32613	184*)	30 сўм пул ютуғи	—
32628	144*)	3 метр хон атлас	39—00
32630	023*)	3 метр хон атлас	39—00
32645	089*)	Духоба дастурхон	23—00
32661	170*)	3 метр хон атлас	39—00
32665	130*)	3 метр хон атлас	39—00
32668	149*)	3 метр хон атлас	39—00
32669	027*)	3 метр хон атлас	39—00
32673	117*)	200 сўм пул ютуғи	—
32710	170*)	Духоба дастурхон	23—00
32715	190*)	3 метр хон атлас	39—00
32717	139*)	3 метр хон атлас	39—00
32751	153*)	100 сўм пул ютуғи	—
32764	039*)	50 сўм пул ютуғи	—
32777	112*)	Жун рўмол	55—00
32782	044*)	30 сўм пул ютуғи	—
32785	153*)	Духоба парда	43—00
32790	012*)	Духоба парда	43—00
32795	134*)	3 метр хон атлас	39—00
32796	155*)	3 метр хон атлас	39—00
32854	023*)	Духоба парда	43—00
32862	030*)	3 метр хон атлас	39—00
32879	158*)	500 сўм пул ютуғи	—
32891	027*)	500 сўм пул ютуғи	—
32898	121*)	Духоба дастурхон	23—00
32902	197*)	3 метр хон атлас	39—00
32915	148*)	Жун рўмол	55—00
32917	069*)	Духоба дастурхон	23—00
32934	121*)	3 метр хон атлас	39—00
32942	060*)	3 метр хон атлас	39—00
32944	165*)	500 сўм пул ютуғи	—
32999	148*)	Духоба дастурхон	23—00
33007	131*)	3 метр хон атлас	39—00
33017	006*)	50 сўм пул ютуғи	—
33030	112*)	3 метр хон атлас	39—00
33033	085*)	3 метр хон атлас	39—00
33035	191*)	100 сўм пул ютуғи	—
33036	069*)	100 сўм пул ютуғи	—
33054	013*)	3 метр хон атлас	39—00
33055	163*)	Духоба дастурхон	23—00
33075	149*)	3 метр хон атлас	39—00
33077	018*)	Духоба парда	43—00
33097	121*)	300 сўм пул ютуғи	—
33099	089*)	Духоба дастурхон	23—00
33117	091*)	Жун рўмол	55—00
33129	119*)	Жун рўмол	55—00
33134	005*)	500 сўм пул ютуғи	—
33155	036*)	500 сўм пул ютуғи	—
33163	166*)	3 метр хон атлас	39—00
33217	103*)	3 метр хон атлас	39—00
33228	156*)	3 метр хон атлас	39—00
33270	195*)	Жун рўмол	55—00
33275	198*)	500 сўм пул ютуғи	—
33281	120*)	Духоба парда	43—00
33303	121*)	Духоба парда	43—00
33304	196*)	500 сўм пул ютуғи	—
33327	123*)	Духоба парда	43—00
33337	027*)	Духоба парда	43—00
33354	134*)	3 метр хон атлас	39—00
33358	158*)	Жун рўмол	55—00
33372	151*)	300 сўм пул ютуғи	—
33381	096*)	300 сўм пул ютуғи	—
33404	178*)	500 сўм пул ютуғи	—
33407	055*)	Жун рўмол	55—00
33416	109*)	300 сўм пул ютуғи	—
33436	093*)	3 метр хон атлас	39—00
33440	133*)	Жун рўмол	55—00
33449	156*)	Духоба парда	43—00
33527	032*)	«Жигули ВАЗ-21013» автомашинаси	7300—00
33539	085*)	3 метр хон атлас	39—00
33542	070*)	100 сўм пул ютуғи	—
33553	177*)	200 сўм пул ютуғи	—
33558	156*)	200 сўм пул ютуғи	—
33568	145*)	3 метр хон атлас	39—00
33575	047*)	Духоба парда	43—00
33594	187*)	300 сўм пул ютуғи	—
33617	114*)	Духоба парда	43—00
33619	140*)	Духоба парда	43—00
33626	177*)	Духоба дастурхон	23—00
33652	050*)	Духоба парда	43—00
33666	197*)	Духоба парда	43—00
33674	061*)	200 сўм пул ютуғи	—
33695	046*)	«Жигули ВАЗ-21013» автомашинаси	7300—00
33700	033*)	Духоба дастурхон	23—00
33702	107*)	3 метр хон атлас	39—00
33708	036*)	Духоба дастурхон	23—00
33710	165*)	300 сўм пул ютуғи	—
33724	099*)	Духоба парда	43—00
33730	168*)	500 сўм пул ютуғи	—
33782	026*)	3 метр хон атлас	39—00
33798	190*)	200 сўм пул ютуғи	—
33815	001*)	Духоба дастурхон	23—00
33823	135*)	Жун рўмол	55—00
33828	098*)	300 сўм пул ютуғи	—
33833	003*)	Духоба дастурхон	23—00
33838	031*)	Жун рўмол	55—00
33851	150*)	Жун рўмол	55—00
33854	092*)	500 сўм пул ютуғи	—
33882	029*)	3 метр хон атлас	39—00
33887	103*)	3 метр хон атлас	39—00
33889	146*)	Духоба парда	43—00
33906	190*)	Духоба дастурхон	23—00
33909	023*)	Жун рўмол	55—00
33916	151*)	200 сўм пул ютуғи	—
33928	093*)	Жун рўмол	55—00
33932	049*)	Духоба парда	43—00
33934	029*)	500 сўм пул ютуғи	—
33959	026*)	200 сўм пул ютуғи	—
33998	026*)	100 сўм пул ютуғи	—
34007	187*)	Духоба дастурхон	23—00
34023	059*)	3 метр хон атлас	39—00
34028	141*)	200 сўм пул ютуғи	—
34031	199*)	Духоба парда	43—00
34035	127*)	3 метр хон атлас	39—00
34036	108*)	200 сўм пул ютуғи	—
34055	060*)	300 сўм пул ютуғи	—
34092	087*)	3 метр хон атлас	39—00
34108	118*)	30 сўм пул ютуғи	—
34114	039*)	3 метр хон атлас	39—00
34121	003*)	300 сўм пул ютуғи	—
34149	077*)	3 метр хон атлас	39—00
34151	015*)	Духоба дастурхон	23—00
34256	082*)	Жун рўмол	55—00
34279	175*)	Духоба парда	43—00
34283	095*)	Духоба дастурхон	23—00
34290	151*)	Жун рўмол	55—00
34310	150*)	Жун рўмол	55—00
34316	140*)	Духоба парда	43—00
34323	099*)	3 метр хон атлас	39—00
34327	173*)	200 сўм пул ютуғи	—
34352	072*)	3 метр хан атлас	39—00
34405	008*)	Духоба парда	43—00
34433	149*)	3 метр хон атлас	39—00
34440	165*)	Духоба дастурхон	23—00
34443	141*)	Духоба парда	43—00
34459	108*)	100 сўм пул ютуғи	—
34477	187*)	Жун рўмол	55—00
34498	123*)	Духоба парда	43—00
34553	021*)	3 метр хон атлас	39—00
34556	083*)	Духоба дастурхон	23—00
34560	092*)	3 метр хон атлас	39—00
34573	157*)	Духоба парда	43—00
34632	174*)	Духоба парда	43—00
34669	179*)	300 сўм пул ютуғи	—
34677	079*)	3 метр хон атлас	39—00
34679	166*)	3 метр хон атлас	39—00
34690	130*)	Жун рўмол	55—00
34703	143*)	3 метр хон атлас	39—00
34719	194*)	Духоба парда	43—00
34723	081*)	3 метр хон атлас	39—00
34733	073*)	Духоба парда	43—00
34738	182*)	Жун рўмол	55—00
34798	124*)	3 метр хон атлас	39—00

*) Шу серниядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Буюм ютуғи чиққан билетнинг эгаси хоҳласа, шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. Буюм ютуқлари СССР Давлат Меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика Бош бошқармаси нарядига биноан «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент шаҳридаги «Коопросилторг» базаси томонидан юборилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 500 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати иттифоқдош республикалар, ўлка, область ва шаҳарларнинг марказий омонат кассаларида ҳам тўланаверади. Шу омонат кассаларидан буюмларни талаб қилиб олиш мумкин.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1986 йил 30 июнга қадар топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа иттифоқдош республикаларда ўтказилдиган пул-буюм лотереяси билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги марказий омонат кассаларда текшириш ва ютуқларни шу кассалар орқали олиш мумкин.

Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари газетанинг навбатдаги сони чиққанидан кейин тўланади.

ЭСЛАТМА: 1. Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса, бундай буюмлар шунга ўхшаш бошқа маркадаги буюмлар билан алмаштирилади. Бу ҳолда берилаётган буюм қиймати лотереяга чиққан буюм ютуғининг баҳосидан арзон бўлса, нарх ўртасидаги фарқ қўшиб берилади. Буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади.

2. Агар буюм ютуғи чиққан лотерея билетининг эгаси буюмни нақд пул билан олишни истаса, унга лотерея шартларига биноан ютуқ қиймати тўланади.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Янгиер шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси У. Қ. ҒОЗИЕВ.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — А. Қ. АБДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория катта илмий ходими: эпидемиология ва шишлар профилактикаси; лаборатория кичик илмий ходимлари: шишларнинг комплекс терапияси, ультра тўлқин диагностикаси, канцерогенез механизмлари.

КОНКУРС МУДДАТИ — 8 ЯНВАРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 383-уй.

«Госкомгидромет»нинг ЎРТА ОСИЕ РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кичик илмий ходимлар: қишлоқ хўжалик метеорологияси бўлимининг табиий ресурсларни ўрганишнинг дистанцион методлари лабораториясига, метеоэлементларни прогнозлаш ва анализ қилишнинг сонли методлари бўлимига.

КОНКУРС МУДДАТИ — 8 ЯНВАРГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефон 35-80-59.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—29/XII да Юлдузли тунлар, 30/XII да Келинлар қўзғолони.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ЦИРКДА АРЧА» ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ (29/XIIда 9.30, 12, 14.30, 17, 19.30).

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети бадиий коллективлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Э. Лутфуллаев ва Б. Лутфуллаевларга отаси

Амруллохон ЛУТФУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тоғ боғдорчилиги ва узумчилик филиали коллективи катта илмий ходим М. М. Мирсоатовга синглиси

Зарифа МИРЖАЛИЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

29 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.00 —Спортлото. 10.10 — «Будильник». 10.40 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.40 — «Здоровье». 12.25 — «Ералаш». 12.35 — «Тонгги почта». 13.05 — «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 — «Музикали киоск». 14.35 — «Сўнгги табор». Бадиий фильм. 16.15 — «Сиз бунга қодирсиз». 17.00 — «Саёҳатчилар клуби». 18.00 — «Нафосатга йўл». 18.30 — «Халқаро панорама». 19.30 — «Мультипликация ҳақида эртаклар». 20.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Концертнинг давоми. 23.45 — Телефильмлар. 00.05— Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.15 — «Расмларда қўёш акси бор». 9.30 — Ритмик гимнастика. 10.00 — «Рус тили». 10.30 — Телефильмлар. 11.00 — Л. Бетховен. 5-симфония. 11.35 — «Авторалли-85». 12.00 — «Ҳайвонот оламида». 13.00 — «Мария, Мирабела». Бадиий фильм. 14.40 — Волейбол. Халқаро ўртоқлик учрашуви. 15.25 — «Дунё ва ёшлар». 15.55 — Телеочерк. 16.20 — «Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади». Бадиий фильм. 7-серия. 17.25 — «Кинотомошабин ҳамроҳи». 18.25 — «Машҳур совет композиторлари». 19.10 — Телефильм. 19.30 — Тбилиси фестивалида. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — Реклама. 20.50 —«Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 21.20 — Илмий-оммабоп фильм. 21.30 — «Время». 22.05 —Қисқа метражли бадиий фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 7.30 — Ритмик гимнастика. 7.50 — «Тонгги тароналар». 8.00 — «Биргалиқда куйлаймиз». 8.20 — Врач маслаҳати. 8.30 — «Ахборот». 8.50 — Телефильм. 9.00 — «Время». 9.40 — «Истеъдод». 10.00 — «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». 10.30 —«Қорбобо совғалари». Спектакль. 11.20 — «Инсон ва табиат». 11.50 — Фильм-концерт. 12.20 — «Карнавал кечаси». Бадиий фильм. 13.35 — «Спорт йилининг якунлари». 14.35 — Реклама. 18.15 — «Бойчечак». 18.45 — «Яна бир бор аср ташвишлари ҳақида». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телефильм. 20.00 — Цирк. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30— «Время». 22.05 — «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 16.00 — Қирғизистон телевиденисининг программаси.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музикали ёзувлар. 9.15 — «Табассум». 10.15 — «С добрим утром!». 11.30 — Концерт. 12.10 — «Ишчинома». 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Концерт. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.01 — «Мамлакат Янги йил арафасида». 15.40— «Келинлар қўзғолони». Спектакль. 17.35 — Лирик концерт. 18.15 — «Партиянинг съездолди ҳужжатларини муҳокама қиламиз». 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.25 —«Ёшлик». 21.00 — «Халқаро кундалик». 21.10 — «Табассум». 22.30 — Концерт. 23.30— Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими телефонлари — 33-21-43, 32-53 16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Р.—06229. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 299. И